



БУЮРТМАЧИ: “Андижон нефт базаси” МЧЖ

**“Андижон нефт базаси” масъулияти
чекланган жамиятига тегишли бўлган
ФЁТШларни белгиланган тартибда баҳолаш
хизматларини ташкил этиш учун**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Андижон-2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2021 йил 23 апрел №0367-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 "Андижон нефт базаси" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган ФЭТШларни белгиланган тартибда баҳолаш хизматлари ташкил этилади.

1.2. Танлов объектини тахминий қиймати 21 500 000 (йигирма бир миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан хизмат кўрсатувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 иш куни.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Андижон нефт база” МЧЖ, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон шаҳар, А.Ашуров кучаси, 10 уй

Эл.адрес:andnbuk@inbox.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тартибда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тегишли лицензия (гувоҳнома, рўхсатномаси) бор ва тажрибага эга бўлган, барча юридик мақомга эга бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- Фаолияти давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки мусодара қилинган ёки хатлаб қўйилганлар ҳамда ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предмети билан жойига чиқиб ўрганиш, бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми билан танишиш, хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган маълумот олиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) мурожаат қилишга ҳақлидирлар.